

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**4-сон**  
**(24)**

**2009 й.**

*«Халқаро шартномалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарорига мувофиқ «Халқаро шартномалар тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.*

*В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах» и постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 августа 2003 года № 370 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.*

**МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ**

**ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР —  
ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ**

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Ўмон Султонлиги Олий таълим вазирлиги ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми (Маскат, 2009 йил 5 октябрь) ..... 3
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ўмон Султонлиги Ҳукумати ўртасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонаси биносини қуриш ва илмий-маданий ҳамкорлик тўғрисида Битим (Маскат, 2009 йил 5 октябрь) ..... 6
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Ўмон Султонлиги Миллий иқтисодиёт вазир-

лиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми (Маскат, 2009 йил 5 октябрь) .....	9
Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси билан Ўмон Султонлигининг Молия вазирлиги ўртасида Англашув меморандуми (Маскат, 2009 йил 5 октябрь) .....	11
Ўзбекистон Республикаси билан Андorra Князлиги ўртасида диплома- тик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Протокол (Афина, 2009 йил 1 декабрь) .....	13
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятла- рида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида 2004 йил 19 ноябрдаги Битимга ўзгартиш ва қўшимча- лар киритиш ҳақида Протокол (Ашхобод, 2009 йил 13 декабрь) .....	14
Протокол о внесении изменений и дополнений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркме- нистана о взаимных поездках граждан и об упрощенном порядке для граждан, проживающих в приграничных областях от 19 ноября 2004 года (Ашхабад, 13 декабря 2009 года) .....	18
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман Қўшма комиссияси тўғрисида Битим (Ашхобод, 2009 йил 13 декабрь) .....	22
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Прави- тельством Туркменистана о Совместной узбекско-туркменской Ко- миссии по торгово-экономическому, научно-техническому и культур- ному сотрудничеству (Ашхабад, 13 декабря 2009 года) .....	25

## **ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги билан Ўмон Султонлиги Олий таълим вазирлиги  
ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида  
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ\***

*Масқат, 2009 йил 5 октябрь*

Ўзбекистон Республикаси ва Ўмон Султонлиги ўртасида ўрнатилган ўзига хос муносабатлардан келиб чиққан ҳолда;

Олий таълимни ривожлантиришга хизмат қиладиган соҳаларда ўзаро манфаатдорлик асосида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга интилиб;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўмон Султонлиги Олий таълим вазирлиги (бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар) **қуйидагилар бўйича келишиб олдилар:**

### **1-модда**

#### **Ҳамкорлик соҳалари**

Томонлар қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўмон Султонлиги олий таълим вазирлиги билан маслаҳатлашган ҳолда олий таълим муассасалари ўртасида илмий ходимлар, ўқитувчилар, экспертлар ва талабаларнинг ўзаро манфаатли ҳисобланган дастурлар доирасида алмашинувни рағбатлантирадилар. Бундай алмашинув дастурлари икки давлат олий таълим муассасаларида машғулотлар ва/ёки ўзаро илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижалари бўйича қўшма ҳисобот тайёрлаш, мақола чоп этиш, ўқув сафарларини ташкил қилишдан иборат бўлиши мумкин. Мазкур алмашинув дастурлари давомийлиги ва шартлари маслаҳатлашувлар ёки расмий хатлар орқали белгиланади;

б) олий таълим соҳаларида ўзаро ёрдамни қўллаб-қувватлаш;

в) олий таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш учун грантлар ажратиш;

г) олий таълим муассасаларининг ўзаро манфаатли бўлган дастурларини янада ривожлантириш;

д) олий таълим муассасалари маъмурий ходимлари ва ўқитувчиларининг малакасини оширишда ёрдам бериш;

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

- е) бир Томоннинг фуқароларига иккинчи Томоннинг тилини ўрганиш учун шароит яратиб бериш;
- ж) фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик қилиш;
- з) иккала давлатнинг ички қонунлари ва тартибларига мувофиқ Томонлар ўзаро келишган ҳолда иккала давлатнинг давлат ва хусусий олий таълим муассасаларини аккредитациядан ўтказиш;
- и) ўқув материаллари, маълумотлар, илмий изланишлар ва бошқа манбалар алмашинувини йўлга қўйиш ҳамда олий таълимга тегишли кўргазма ва семинарларни ташкил қилишда кўмаклашиш.

## **2-модда** **Молиявий шартлар**

- 1) Мазкур Меморандум доирасида турли соҳаларга тегишли амалга ошириладиган ташрифлар харажатларини юборувчи Томон ўз зиммасига олади, агар Томонлар ноталар алмашинуви орқали бошқа қарорга келмасалар.
- 2) Қабул қилувчи Томон тегишли ташриф дастурини делегация келишидан 1 ой олдин тузиш учун юборувчи Томон қабул қилувчи Томон билан маслаҳатлашган ва келишган ҳолда делегатлар сони ҳамда ташриф мақсади ҳақида ёзма равишда маълумот тақдим этади.

## **3-модда** **Қўшма ишчи гуруҳи**

Томонлар мазкур Меморандумни амалга ошириш учун Қўшма ишчи гуруҳ ташкил этадилар. Қўшма ишчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакили томонидан бошқарилади, Ўмон Султонлиги Ҳукумати номидан Олий таълим вазирлиги вакили томонидан бошқарилади. Қўшма ишчи гуруҳ мазкур Меморандумни амалга оширилишини муҳокама қилиш мақсадида ўзаро келишилган ҳолда навбат билан Ўзбекистонда ёки Ўмонда йиғилади. Йиғилишнинг ўрнига, зарур бўлган ҳолда, дипломатик каналлар орқали амалга ошириладиган маслаҳатлашувлар ўтказилиши мумкин.

## **4-модда** **Махфийлик**

- 1) Томонлар ушбу Меморандумни амалга ошириш жараёнида махфийликни таъминлаш мажбуриятини оладилар.
- 2) Ҳар иккала Томон мазкур Меморандумнинг амал қилиш муддати тугатилишига қарамасдан ўзаро келишилган муддатга қадар ушбу модданинг 1-бандида келтирилган мажбуриятга риоя қилишга розилик билдирдилар.

### **5-модда**

#### **Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқи**

1) Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқи Томонларнинг миллий қонунчилигининг қоидалари ҳамда Томонлар имзолаган бошқа халқаро Меморандумлар асосида таъминланади.

2) Ҳар қандай нашр, ҳужжат ва/ёки бошқа манбаларда иккинчи Томоннинг номларидан, логотипларидан ва/ёки расмий рамзларидан мазкур Томоннинг ёзма розилигисиз фойдаланиш тақиқланади.

### **6-модда**

#### **Меморандумнинг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиш**

Томонлар, вақтинчалик, халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Меморандумнинг бажарилишини қисман ёки бутунлай тўхтатиш ҳуқуқига эга. Меморандумнинг амал қилиши Томонлардан бирининг дипломатик каналлар орқали ёзма равишда иккинчи Томонни хабардор қилган кундан бир ой ўтгач вақтинчалик тўхтатилади.

### **7-модда**

#### **Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

Ушбу Меморандумга Томонларнинг ўзаро розилиги билан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимчалар Меморандумнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган баённомалар билан расмийлаштирилади.

### **8-модда**

#### **Баҳс-мунозарали вазиятларни ҳал қилиш**

Ушбу Меморандумнинг қоидаларини талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ барча баҳслар Томонлар ўртасида дўстона муносабатда музокаралар ва маслаҳатлашувлар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

### **9-модда**

#### **Меморандумнинг кучга кириши, амал қилиш муддати ва тугатилиши**

Мазкур Англашув Меморандуми имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва бошланишида 5 йил давомида амал қилади. Агар Томонлардан бири бошқа Томонга унинг амал қилиш муддатини тугатиш ҳақида олти ой олдин дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабар бермаса, Меморандум кейинги 5 йиллик муддатларга узайтириб борилади.

Меморандум тугатилган ҳолда, барча амалдаги лойиҳаларнинг бажарилиши, Томонлар ўзгача қарор қабул қилмасалар, давом этади.

Бунинг тасдиғи сифатида, қуйида имзо чекувчилар ўзларининг ҳукуматлари томонидан берилган ваколатга биноан, ушбу Меморандумни имзолادилар.

Масқат шахрида 2009 йил 5 октябрда икки асл нусхада ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди. Барча матнлар бир хил кучга эга. Матнларни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ўмон Султонлиги  
Ҳукумати ўртасида Тошкент шахрида Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги  
Шарқшунослик институти кутубхонаси биносини  
қуриш ва илмий-маданий ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ\***

*Масқат, 2009 йил 5 октябрь*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўмон Султонлиги Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Икки давлат ўртасида қўлёзмалар ҳамда тарихий ҳужжатларни сақлаш ва нашр этиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш истагида,

Томонлар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга, шунингдек ўзбек ва ўмон мутахассислари ва тадқиқотчилари ўртасида илмий ҳамда маданий соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга интилиб,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида (кейинчалик Институт кутубхонаси) сақланаётган ноёб қўлёзмалар фондининг аҳамиятини англаган ҳолда,

2009 йил 30 мартда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ўмон Султонлиги Ҳукумати ўртасида Тошкент шахрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси биносини қуриш тўғрисида Англашув протоколи қоидаларини амалга ошириш мақсадида,

Ўмон Султонлиги Ҳукуматининг Институт кутубхонаси биносини бегараз молиявий кўмаги асосида қуриб бериш таклифидан келиб чиққан ҳолда,

**Томонлар қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

### **1-модда**

Томонлар ўзаро келишув ва ўз давлатларининг миллий қонунчилиги асосида Институт кутубхонаси биносининг қурилиши лойиҳасини амалга оширадилар.

### **2-модда**

Ўмон Султонлиги Ҳукумати Институт кутубхонаси биносини қуриб бериш учун беғараз молиялаштиради.

### **3-модда**

Ўзбек Томони Институт кутубхонаси биносининг қурилиши учун Тошкент шаҳрида жойлашган камида 10 минг кв. м ер участкасини ажратади.

### **4-модда**

Ўзбек томони Институт кутубхонаси биносининг қурилиши лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонга олиб кириладиган барча асбоб-ускуна ҳамда зарур инвентарни божхона тўловларидан озод қилади.

### **5-модда**

Томонлар илмий ва маданий, шунингдек Институт кутубхонаси фондида қўлёзма асарларни сақлаш, каталоглаштириш, нашр этиш, биргаликда илмий конференция ва симпозиумлар ташкил этиш, мутахассисларни алмашиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш каби соҳаларда ҳамкорликни амалга оширадилар. Мазкур ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари Томонларнинг ваколатли органлари тарафидан келишиладиган дастурда белгиланган ҳолда амалга оширилади.

### **6-модда**

Ушбу Битим қоидаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси ва Ўмон Султонлиги Ташқи ишлар вазирлиги ваколатли органлар ҳисобланади.

### **7-модда**

Томонлар мазкур Битимда назарда тутилган Институт кутубхонаси биносининг қурилиши лойиҳаси ҳамда илмий ва маданий ҳамкорликнинг амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ зарур тадбирларни кўришга келишдилар.

### **8-модда**

Томонлар Институт кутубхонаси биносининг қурилиши лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Томонларнинг ваколатли органлари вакиллари-

дан иборат Қўшма ишчи гуруҳини ташкил этадилар ва қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

1. Лойиҳани мувофиқлаштиради, унинг бажариш муддатларини белгилайди, илмий ва маданий ҳамкорлик дастурини тайёрлайди, шунингдек уларга керакли ўзгартишлар киритади.

2. Лойиҳанинг техникавий ва молиявий шартларини муҳокама қилади ва келишади.

### **9-модда**

Томонлар мазкур Битимни имзолаган санадан сўнг уч ой давомида Қўшма ишчи гуруҳининг йиғилишини ўтказишга келишдилар.

### **10-модда**

Ушбу Битим қоидаларини қўллаш ва талқин қилишда юзага келадиган баҳс ва келишмовчиликлар музокара ҳамда маслаҳатлашувлар орқали ҳал қилинади.

### **11-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин ҳамда улар мазкур Битимнинг 12-моддасида белгиланган тартибда кучга киради.

### **12-модда**

Ушбу Битим имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва номуайян муддатга тузилади. Томонлардан бири ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилса, Битим мазкур хабарнома юборилган кундан бошлаб олти (6) ой ўтгандан сўнг амал қилишини тўхтатади.

Агар Томонлар бошқача келишмаган бўлсалар, мазкур Битимнинг амал қилишини тўхтатилиши, унинг амал қилиши даврида бошланган дастурлар ва лойиҳаларни тўлиқ амалга оширилишига таъсир этмайди.

Масқат шаҳрида 2009 йил 5 октябрда икки асл нусхада ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

*(имзолар)*

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Ўмон Султонлиги  
Миллий иқтисодиёт вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида  
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ\***

*Масқат, 2009 йил 5 октябрь*

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Ўмон Султонлиги Миллий иқтисодиёт вазирлиги, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Томонлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш истагини билдириб,

Томонлар ишбилармон доиралари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришни мақсад қилиб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, Томонлар ўз давлатлари миллий қонунчиликларига асосан, ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш учун ўз ваколатлари доирасида барча имкониятларини қўллайдилар.

**2-модда**

Томонлар ташқи иқтисодий қонунчилик ва маъмурий чекловлар соҳасида:

импорт ва экспортни чеклаш каби савдо тизими ва божхона тизими;

хорижий корхоналарни ташкил этиш, бошқариш ва фаолиятини тугатиш, хорижий инвестицияларни чеклаш, хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни ўз ичига олган хорижий инвестициялар тизими;

иқтисодий келишмовчиликларнинг ҳал этиш қоидаларини;

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги икки томонлама битимлар;

хорижий ташкилотлар билан иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ўз ичига олган ҳолда ахборотларни мунтазам алмашинуви билан кўмаклашадилар.

**3-модда**

Томонлар ўзаро манфаатни ифода этувчи иқтисодий ҳамкорликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан яқиндан ҳамкорлик қиладилар ва икки томонлама савдонинг самарадорлигини ошириш барча имкониятларини сарф қиладилар.

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

#### **4-модда**

Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш соҳасида тажриба алмашиш мақсадида, Томонлар семинар ва конференциялар ташкиллаштирадилар ва ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан ҳамкорлик қиладилар.

#### **5-модда**

Томонлар Ўзбекистон Республикасини Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиши юзасидан консултациялар ўтказадилар.

#### **6-модда**

Томонлар тўқимачилик ва тикув маҳсулотлари, кимёвий маҳсулотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, авто ва автомобиль бутлов қисмлари, телекоммуникация ускуналари ва офис учун автоматик мосламалар, электрон маҳсулотлар ва бошқаларни ўз ичига олган ўзаро товарлар савдосига қўмаклашадилар.

#### **7-модда**

Томонлар ўз давлатлари миллий қонунчилигига асосан Ўзбекистон Республикаси ва Ўмон Султонлиги ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш кооперациялари, маркетинг, лизинг, менеджмент, туризм ва бошқалар воситасида янги соҳаларни рағбатлантириш йўллари излайдилар.

#### **8-модда**

Томонлар ўз ваколатлари доирасида хўжалик субъектлари ўртасида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал этишда қўмаклашадилар.

#### **9-модда**

Томонлар ўз хўжалик субъектлари мажбуриятлари юзасидан, агар ушбу мажбуриятлар кафолатланмаган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

#### **10-модда**

Мазкур Меморандум қоидаларини татбиқ қилиш мақсадида, Томонлар ҳар йили келгуси йил учун ҳамкорлик соҳалари бўйича аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқадиладар.

Агарда молиялаш биргаликда амалга ошириладиган бўлса, Томонлар ташкиллаштириш, яшаб туриш ва тиббий харажатлар қабул қилувчи Томон ҳисобидан, транспорт харажатлари эса жўнатувчи Томон ҳисобидан қоплашиш тамойилига амал қиладилар.

#### **11-модда**

Мазкур Меморандумнинг қоидаларини қўллаш ва талқин қилиш билан

боғлиқ барча келишмовчиликлар Томонлар ўртасида дўстона музокара ва консултациялар йўллари билан ҳал этилади.

### **12-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувларига асосан, мазкур Меморандумга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ушбу баённомалар мазкур Меморандумнинг 13-моддасида белгиланган тартибда кучга киради.

### **13-модда**

Мазкур Меморандум уни имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил давомида амал қилади. Агар Томонларнинг бири уч ой олдин, бекор қилиш нияти борлиги ҳақида иккинчи Томонга ёзма равишда хабар бермаса, ушбу Меморандум ҳар сафар айнан муддатга узайтирилади.

Мазкур Меморандумнинг амал қилиш муддатининг тўхталиши агар Томонлар бошқача келишиб олмаган бўлсалар, унинг амал қилиш муддати давомида ижрода бўлган дастурларга ва қўшма лойиҳаларга таъсир қилмайди.

Масқат шаҳрида 2009 йил 5 октябрда икки асл нусхада ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

*(имзолар)*

## **Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси билан Ўмон Султонлигининг Молия вазирлиги ўртасида АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ\***

*Масқат, 2009 йил 5 октябрь*

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси ва Ўмон Султонлигининг Молия вазирлиги, бундан кейин «Томонлар» деб номландилар, иккала мамлакат ўзаро манфаатлар тамойилларига асосланган солиқ тизими манфаатларида қўшма соҳаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни хоҳлайдиган Ўзбекистон Республикаси билан Ўмон Султонлиги ўртасидаги

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

ўзаро муносабатлардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон ҳамда Ўмон тарафлари ўртасидаги муҳокамалар асосида,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

### **1-модда**

Икки Томон солиқ органлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишга ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоларни биргаликда тадқиқ қилишга қўмаклашадди ва иккала Томон, башарти бундай соҳалар дипломатик каналлар орқали келишилса, солиқ солиш бобида ҳамкорлик қилиш соҳасини тўлдириши мумкин.

### **2-модда**

Икки Томон ушбу Меморандумнинг 1-моддасида кўрсатилган соҳаларда биргаликда тайёрлов курсларини, экспертларнинг ташрифларини ва илмий тадқиқотлар билан алмашувлар ўтказадилар.

### **3-модда**

Делегация юбораётган Томон транспорт харажатларини ўз зиммасига олади, таклиф қилувчи Томон эса ушбу Меморандумнинг 2-моддасида кўрсатилган делегациянинг истиқомат қилиш харажатларини қўтаради.

### **4-модда**

Ушбу Меморандум икки мамлакат ўртасидаги исталган икки тарафлама битим бўйича қабул қилинган мажбуриятларга зид эмас.

### **5-модда**

Икки Томон ушбу Меморандумни улар мамлакатларининг амалдаги қонунлари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширадилар.

### **6-модда**

Меморандум қоидаларини талқин қилиш ва қўллашдаги барча ихтилофлар ҳамда баҳсли масалалар Томонлар томонидан маслаҳатлашишлар ва музокаралар воситасида муҳокама қилинади.

### **7-модда**

Ушбу Меморандум имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва 10 йил мобайнида, Томонлардан бири бошқа Томонни Меморандум кучга кирган санадан бошлаб 2 йиллик давр ўтганидан кейин исталган календарь йилнинг охиригача лоақал 3 ой қолганда дипломатик каналлар орқали Меморандумнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилмагунча, ўз кучида қолади.

Бу ҳолда мазкур Меморандум уни тўхтатиш тўғрисида хабарнома берилган календарь йилнинг охирида амал қилишини тўхтатади.

Масқат шаҳрида 2009 йил 5 октябрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Меморандумни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Андорра Князлиги  
ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида  
ПРОТОКОЛ\***

*Афина, 2009 йил 1 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси ва Андорра Князлиги,

Икки халқ ўртасида ўзаро англашув, дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни юриштириш мақсадида,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ва халқаро ҳуқуқ принциплари ва мақсадлари, хусусан, халқаро тинчлик ва хавфсизликни ҳурмат қилиш ва таъминлаш, давлатлар ўртасида тенглик, миллий суверенитет, мустақиллик, ҳудудий яхлитлик ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик асосида,

Дипломатик алоқалар тўғрисида 1961 йилнинг 18 апрелидаги Вена конвенцияси қоидаларига мувофиқ ушбу Протокол имзоланган санадан бошлаб дипломатик муносабатлар ўрнатишга **қарор қилдилар.**

Ушбунинг тасдиғи сифатида, ўзларининг тегишли Ҳукуматлари томонидан тегишинча ваколатланган қўйида имзо чекувчи вакиллар ушбу Протокол ўзбек, каталан ва инглиз тилларида имзоладилар, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Афина шаҳрида 2009 йил 1 декабрда тузилди.

(имзолар)

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон  
Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва  
чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга  
енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида 2004 йил  
19 ноябрдаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар  
киритиш ҳақида  
ПРОТОКОЛ\***

*Ашхобод, 2009 йил 13 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркменистон Ҳукумати, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида 2004 йил 19 ноябрда имзоланган Битимнинг 17-моддасига мувофиқ (бундан кейин — Битим),

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1. Битимнинг 7-моддаси 1 ва 2-бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикасининг Хоразм ва Бухоро вилоятларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларининг (ушбу Протоколнинг 3-илоvasи) Туркменистон чегарасига бевосита туташган туманларида доимий истиқомат қилувчи, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг янги шаклдаги паспортлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг амалдаги эски шаклдаги паспортларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Туркменистоннинг Дашоуз ва Лебоп вилоятларига бир ойда бир марта визасиз киришлари, чиқишлари ва унда кўпи билан уч кун бўлишлари мумкин.

2. Туркменистоннинг Дашоуз ва Лебоп вилоятларида доимий истиқомат қилувчи Туркменистон фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг Хоразм ва Бухоро вилоятларига, шунингдек Туркменистоннинг давлат чегарасига бевосита туташган Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг районлари (ушбу Протоколнинг 3-илоvasи) ҳудудларига бир ойда бир марта визасиз киришлари, чиқишлари ҳамда унда кўпи билан уч кун бўлишлари мумкин.

Ушбу бандда кўрсатилган фуқаролар, Туркменистон фуқароларининг ҳақиқий паспортлари ёки Туркменистондан чиқиб кетиш ва Туркменистонга кириш учун Туркменистон фуқароларининг ҳақиқий паспортлари ва яшаш жойларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан чегарани кесиб ўтиш ҳуқуқига эгадирлар».

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Туркменистон ҳудуди бўйлаб киришлари, чиқишлари ва ҳаракатланишлари учун ҳужжатлар Рўйха-

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

ти (ушбу Протоколнинг 1-илоvasи), Туркманистон фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб киришлари, чиқишлари ва ҳаракатланишлари учун ҳужжатлар Рўйхати (ушбу Протоколнинг 2-илоvasи) ва Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг Туркманистон давлат чегараси билан бевосита туташган туманлари Рўйхати (ушбу Протоколнинг 3-илоvasи) тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Туркманистон ҳудуди бўйлаб киришлари, чиқишлари ва ҳаракатланишлари учун ҳужжатлар Рўйхати (Битимнинг 1-илоvasи), Туркманистон фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб киришлари, чиқишлари ва ҳаракатланишлари учун ҳужжатлар Рўйхати (Битимнинг 2-илоvasи) ва Ўзбекистон Республикасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг Туркманистон давлат чегараси билан бевосита туташган туманлари Рўйхати (Битимнинг 3-илоvasи) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ушбу Протокол Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Битимнинг 19-моддаси қоидаларига мувофиқ кучга киради.

Ашхобод шаҳрида 2009 йил 13 декабрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларда тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Протокол қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан  
Туркманистон Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида 2004 йил 19 ноябрда имзоланган Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Протоколга  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Туркманистон  
ҳудуди бўйлаб киришлари, чиқишлари ва  
ҳаракатланишлари учун ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти.
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг янги шаклдаги паспорти.
3. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг эски шаклдаги паспорти (2016 йил 1 январь кунига қадар).

4. 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг гувоҳномаси (2016 йил 1 январь кунига қадар).

5. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспортига ёзиладиган ва фотосурати ёпиштирилган, ота-оналари ёки қонуний вакиллари ҳамроҳлигида ҳаракатланадиган 16 ёшга тўлмаган болалар учун (2016 йил 1 январь кунига қадар)).

6. Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун гувоҳнома (фақат Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун).

7. Ҳукуматлараро фельдъегерлик хизмати ходимининг шахсий гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан  
Туркменистон Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида 2004 йил 19 ноябрда имзоланган Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Протоколга  
2-ИЛОВА

**Туркменистон фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси  
худуди бўйлаб киришлари, чиқишлари ва  
ҳаракатланишлари учун ҳужжатлар  
РЎЙҲАТИ**

1. Дипломатик паспорт.
2. Хизмат паспорти.
3. Туркменистондан чиқиб кетиш ва Туркменистонга кириш учун Туркменистон фуқаросининг паспорти.
4. Туркменистон фуқаросининг паспорти (2013 йил 10 июль кунига қадар).
5. Денгизчининг паспорти.
6. Туркменистонга қайтиш учун гувоҳнома (фақат Туркменистонга қайтиш учун).
7. Ҳукуматлараро фельдъегерлик хизмати ходимининг шахсий гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан  
Туркменистон Ҳукумати ўртасида фуқаролар-  
нинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоят-  
ларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирил-  
ган қатнов тартиби тўғрисида 2004 йил  
19 ноябрда имзоланган Битимга ўзгартиш ва  
қўшимчалар киритиш ҳақида Протоколга  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг Қорақалпоғистон Республикаси,  
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг Туркменистон  
давлат чегараси билан бевосита туташган туманлари  
РЎЙХАТИ**

**Қорақалпоғистон Республикаси**

1. Қўнғирот тумани
2. Шуманай тумани
3. Хўжайли тумани
4. Тахиатош шаҳри
5. Амударё тумани
6. Беруний тумани
7. Эллиққалъа тумани
8. Тўрткўл тумани

**Қашқадарё вилояти**

1. Миришқор тумани
2. Нишон тумани
3. Фузор тумани
4. Дехқонобод тумани

**Сурхондарё вилояти**

1. Шеробод тумани
2. Музробод тумани

## ПРОТОКОЛ\*

**о внесении изменений и дополнений в Соглашение между  
Правительством Республики Узбекистан и Правительством  
Туркменистана о взаимных поездках граждан и об упрощенном  
порядке для граждан, проживающих в приграничных областях  
от 19 ноября 2004 года**

*Ашхабад, 13 декабря 2009 года*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Туркменистана, именуемые в дальнейшем Сторонами,

в соответствии со статьей 17 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о взаимных поездках граждан и об упрощенном порядке для граждан, проживающих в приграничных областях от 19 ноября 2004 года (далее — Соглашение), **согласились о нижеследующем:**

1. Пункты 1 и 2 статьи 7 Соглашения изложить в следующей редакции:

«1. Граждане Республики Узбекистан, постоянно проживающие в Хорезмской и Бухарской областях, а также в непосредственно прилегающих к государственной границе Туркменистана районах Республики Каракалпакстан, Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей Республики Узбекистан (приложение № 3 к настоящему Протоколу), являющиеся владельцами действительных паспортов граждан Республики Узбекистан нового образца и паспортов граждан Республики Узбекистан старого образца, могут выезжать, выезжать и пребывать без виз на территории Дашогузского и Лебапского велаятов Туркменистана не более трех дней один раз в месяц.

2. Граждане Туркменистана, постоянно проживающие в Дашогузском и Лебапском велаятах Туркменистана, могут выезжать, выезжать и пребывать без виз на территории Хорезмской и Бухарской областей, а также на территории непосредственно прилегающих к государственной границе Туркменистана районов Республики Каракалпакстан, Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей Республики Узбекистан (приложение № 3 к настоящему Протоколу) не более трех дней один раз в месяц.

Граждане, указанные в настоящем пункте, имеют право пересекать границу по действительным паспортам граждан Туркменистана, либо по действительным паспортам граждан Туркменистана для выезда из Туркменистана и въезда в Туркменистан и документам, подтверждающим место их проживания».

2. Утвердить Перечень документов для въезда, выезда и передвижения граждан Республики Узбекистан по территории Туркменистана (приложение № 1 к настоящему Протоколу), Перечень документов для въезда, выезда и передвижения граждан Туркменистана по территории Республики Уз-

---

\* Вступил в силу с даты подписания.

бекистан (приложение № 2 к настоящему Протоколу) и Перечень районов Республики Каракалпакстан, Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей Республики Узбекистан, непосредственно прилегающих к Государственной границе Туркменистана (приложение № 3 к настоящему Протоколу).

3. Признать утратившими силу Перечень документов для въезда, выезда и передвижения граждан Республики Узбекистан по территории Туркменистана (приложение № 1 к Соглашению), Перечень документов для въезда, выезда и передвижения граждан Туркменистана по территории Республики Узбекистан (приложение № 2 к Соглашению) и Перечень районов Республики Каракалпакстан, Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей Республики Узбекистан, непосредственно прилегающих к Государственной границе Туркменистана (приложение № 3 к Соглашению).

Настоящий Протокол является неотъемлемой частью Соглашения и вступает в силу в соответствии с положениями статьи 19 Соглашения.

Совершено в городе Ашхабаде 13 декабря 2009 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, туркменском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

Для целей толкования положений настоящего Протокола используется текст на русском языке.

*(подписи)*

#### ПРИЛОЖЕНИЕ № 1

к Протоколу о внесении изменений и дополнений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о взаимных поездках граждан и об упрощенном порядке для граждан, проживающих в приграничных областях от 19 ноября 2004 года

### **ПЕРЕЧЕНЬ**

#### **документов для въезда, выезда и передвижения граждан Республики Узбекистан по территории Туркменистана**

1. Дипломатический паспорт Республики Узбекистан.
2. Паспорт гражданина Республики Узбекистан нового образца.
3. Паспорт гражданина Республики Узбекистан старого образца (до 1 января 2016 года).
4. Удостоверение гражданина Республики Узбекистан, не достигшего 16-летнего возраста (до 1 января 2016 года).
5. Свидетельство о рождении (для детей до 16 лет, следующих в сопровождении родителей или законных представителей, будучи вписанными

и с вклеенными фотографиями детей, в их паспорта гражданина Республики Узбекистан (до 1 января 2016 года).

6. Свидетельство для возвращения в Республику Узбекистан (только для возвращения в Республику Узбекистан).

7. Удостоверение личности сотрудника межправительственной фельдъегерской службы.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 2

к Протоколу о внесении изменений и дополнений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о взаимных поездках граждан и об упрощенном порядке для граждан, проживающих в приграничных областях от 19 ноября 2004 года

**ПЕРЕЧЕНЬ**

**документов для въезда, выезда и передвижения граждан Туркменистана по территории Республики Узбекистан**

1. Дипломатический паспорт.
2. Служебный паспорт.
3. Паспорт гражданина Туркменистана для выезда из Туркменистана и въезда в Туркменистан.
4. Паспорт гражданина Туркменистана (до 10 июля 2013 года).
5. Паспорт моряка.
6. Свидетельство для возвращения в Туркменистан (только для возвращения в Туркменистан).
7. Удостоверение личности сотрудника межправительственной фельдъегерской службы.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 3  
к Протоколу о внесении изменений и дополнений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о взаимных поездках граждан и об упрощенном порядке для граждан, проживающих в приграничных областях от 19 ноября 2004 года

**ПЕРЕЧЕНЬ**  
**районов Республики Каракалпакстан, Сурхандарьинской и**  
**Кашкадарьинской областей Республики Узбекистан,**  
**непосредственно прилегающих к Государственной границе**  
**Туркменистана**

**Республика Каракалпакстан**

1. Кунградский район
2. Шуманайский район
3. Ходжелийский район
4. Город Тахиаташ
5. Амударьинский район
6. Берунийский район
7. Элликкалинский район
8. Турткульский район

**Кашкадарьинская область**

1. Миришкорский район
2. Нишанский район
3. Гузарский район
4. Дехканабадский район

**Сурхандарьинская область**

1. Шерабадский район
2. Музрабадский район

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон  
Ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва  
маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман Қўшма  
комиссияси тўғрисида  
БИТИМ\***

*Ашхобод, 2009 йил 13 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркменистон Ҳукумати, бундан буён «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро қўмаклашиш тўғрисида 1996 йил 16 январдаги Шартнома ва Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман Қўшма комиссиясини ташкил қилиш тўғрисида 1996 йил 27 ноябрдаги Протокол қоидаларига амал қилиб,

ўзбек-туркман ҳамкорлигини халқаро ҳуқуқ, тенглик, тотувлик ва ўзаро манфаатлилик тамойиллари асосида келажақда кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Томонлар савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман Қўшма комиссиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни келишиб олдилар:

— Томонлар ўртасида тузилган шартнома ва битимлардан келиб чиқадиган ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва масалаларни муҳокама қилиш;

— Томонларнинг молиявий капитали ва технологияларини фаол жалб этишни, молиявий-саноат гуруҳлар, қўшма корхоналар ва кооперациялашган ишлаб чиқаришларни ташкил этишни ўз ичига олган ўзбек-туркман ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларини ривожлантириш ва излашга қўмаклашиш;

— Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида тузилган халқаро шартномалар ва савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасидаги бошқа икки томонлама келишувларни, шунингдек Комиссия йиғилишларида қабул қилинган қарорларнинг ижросини мониторинг қилиш;

— ўзаро манфаатни ифодаладиган соҳаларда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, шунингдек икки давлат ўртасида ташқи савдо айланмасини ошириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш;

— икки томонлама давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шарт-

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

нома лойиҳаларини тайёрлаш бўйича Томонлар давлатларининг вазирлик-лари, идоралари, ташкилотлари ва корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— Комиссиянинг иккала қисмлари ўртасида алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик масалаларини тезкор ҳал қилишда кўмаклашиш;

— Комиссия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш.

## **2-модда**

Комиссия икки миллий — ўзбек ва туркман қисмларидан иборат. Ҳар бир Томон Комиссиянинг тегишли миллий қисм раисини (бундан кейин ҳамраислар), масъул котиб ва Комиссия аъзоларини ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тайинлайдилар.

Зарур ҳолларда Комиссия икки томонлама савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича доимий ёки вақтинчалик кичик комиссия ва ишчи гуруҳлар ташкил қилиши мумкин. Ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини Комиссия раҳбарлиги остида амалга оширади ва унга ҳисобот беради.

## **3-модда**

Комиссия йиғилиши ва ҳамраислар учрашувлари ҳар қандай Томоннинг таклифи билан дипломатик каналлар орқали келишилган муддат ва жойда ҳар йили камида бир маротаба навбатма-навбат Томонлар давлатлари ҳудудида ўтказилади. Йиғилишлар ва учрашувларнинг ўтказилиш муддатлари улар ўтказилиш санасигача икки ойдан кечикмасдан келишилади. Томонлар Комиссиянинг навбатдаги йиғилишининг кун тартибини у ўтказилгунга қадар бир ойдан кечикмасдан келишадилар. Комиссия йиғилишида ҳамраисларнинг ўзаро келишувига кўра кун тартибига киритилмаган масалалар ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

Комиссиянинг навбатдан ташқари йиғилишлари, ҳамраислар учрашувлари, ишчи гуруҳлар йиғилишлари Томонларнинг ўзаро келишуви билан ўтказилади.

Йиғилиш ёки учрашув қайси давлат ҳудудида ўтказилаётган бўлса, Комиссиянинг шу қисми ҳамраиси йиғилишда раислик қилади.

Ҳар бир Томон Комиссия йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш учун экспертлар ва мутахассисларни, шунингдек ўз давлатлари ишбилармонларининг вакилларини жалб этишлари мумкин.

## **4-модда**

Комиссия қарорлари консенсус асосида қабул қилинади ва Комиссия йиғилиши протоколи имзоланган санадан кучга киради.

## **5-модда**

Йиғилишларнинг ахборот таъминоти, материаллар ва ҳужжатларни тай-

ёрлаш, Комиссия йиғилишлари протоколларини расмийлаштириш, ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш устидан назорат қилиш, шунингдек Комиссия ишини таъминлаш бўйича ташкилий характерга эга бўлган бошқа мажбуриятлар Комиссиянинг миллий қисми масъул котибларига юклатилади.

Ушбу мақсадда масъул котиблар ўзаро доимий алоқаларни олиб борилишини қўллаб-қувватлайдилар ва зарур ҳолларда Комиссия йиғилишлари орасидаги даврда учрашадилар.

### **6-модда**

Комиссия аъзолари ва Комиссия йиғилишлари, ҳамраисларнинг учрашувлари, ишчи гуруҳ йиғилишларида делегацияларининг иштироки билан боғлиқ харажатлар юборувчи Томон маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ўзаролик асосида қабул қилувчи Томон юборувчи Томон делегациясига маҳаллий транспорт харажатлари, жойлаштириш, овқатланиш ва яшаши бўйича харажатларни тўлаши мумкин.

Комиссия йиғилишлари, ҳамраислар учрашувлари ва ишчи гуруҳлар йиғилишларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар мазкур тадбирлар қайси давлат ҳудудида ўтказилаётган бўлса, ушбу Томон маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

### **7-модда**

Ушбу Битим қоидаларини қўллаш ёки талқин қилиш билан юзага келадиган келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокара-рлар йўли билан ҳал этилади.

### **8-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида протоколлар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

### **9-модда**

Ушбу Битим беш йил давомида амал қилади ва имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Мазкур Битимнинг амал қилиши Томонлардан бири ушбу Битимнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги нияти ҳақида бошқа Томонни тегишли муддат тугашидан камида олти ой илгари ёзма равишда хабардор қилмагунга қадар, кейинги беш йиллик муддатларга узайтири-лаверади.

Ашхобод шаҳрида 2009 йил 13 декабрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил юридик кучга эга. Ушбу Битимнинг талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

**СОГЛАШЕНИЕ\***  
**между Правительством Республики Узбекистан и**  
**Правительством Туркменистана о Совместной узбекско-**  
**туркменской Комиссии по торгово-экономическому, научно-**  
**техническому и культурному сотрудничеству**

*Ашхабад, 13 декабря 2009 года*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Туркменистана, далее именуемые Сторонами,

руководствуясь положениями Договора о дружбе, сотрудничестве и взаимопомощи между Республикой Узбекистан и Туркменистаном от 16 января 1996 года и Протокола о создании Совместной узбекско-туркменской комиссии по торгово-экономическому, научно-техническому и культурному сотрудничеству от 27 ноября 1996 года,

в целях дальнейшего расширения и укрепления узбекско-туркменского сотрудничества на основе принципов международного права, равенства, добрососедства и взаимной выгоды,

**согласились о нижеследующем:**

**Статья 1**

Стороны согласились, что основными задачами Совместной узбекско-туркменской Комиссии по торгово-экономическому, научно-техническому и культурному сотрудничеству (далее — Комиссия) являются:

— рассмотрение вопросов и выработка необходимых мероприятий, направленных на развитие взаимовыгодного торгово-экономического, научно-технического и культурного сотрудничества, вытекающих из договоров и соглашений, заключенных между Сторонами;

— содействие поиску и развитию перспективных направлений узбекско-туркменского сотрудничества, включая активное привлечение финансового капитала и технологий Сторон, создание промышленно-финансовых групп, совместных предприятий и кооперированных производств;

— мониторинг хода выполнения международных договоров, заключенных между Республикой Узбекистан и Туркменистаном, и иных двусторонних договоренностей в сфере торгово-экономического, научно-технического и культурного сотрудничества, включая решения, принятые на заседаниях Комиссии;

— разработка предложений по расширению и углублению торгово-экономического, научно-технического и культурного сотрудничества в областях, представляющих взаимный интерес, а также увеличению внешнеторгового оборота между двумя государствами;

— координация деятельности министерств, ведомств, организаций и предприятий государств Сторон по подготовке проектов двусторонних

---

\* Вступило в силу с даты подписания.

межгосударственных, межправительственных и межведомственных договоров;

— налаживание и развитие контактов между обеими частями Комиссии, оказание содействия в оперативном решении вопросов торгово-экономического, научно-технического и культурного сотрудничества;

— подготовка и проведение заседаний Комиссии.

## **Статья 2**

Комиссия состоит из двух национальных частей — узбекской и туркменской. Каждая Сторона в соответствии со своим внутренним законодательством назначает председателя соответствующей национальной части Комиссии (далее — сопредседатель), ответственного секретаря и членов Комиссии.

В случае необходимости Комиссия может создавать постоянные или временные подкомиссии и рабочие группы по различным направлениям двустороннего торгово-экономического, научно-технического и культурного сотрудничества. Рабочие группы осуществляют свою деятельность под руководством Комиссии и подотчетны ей.

## **Статья 3**

Заседания Комиссии и встречи сопредседателей проводятся по предложению любой из Сторон в согласованные по дипломатическим каналам сроки и месте, но не реже одного раза в год в порядке очередности на территориях государств Сторон.

Сроки проведения заседаний и встреч согласовываются не позднее двух месяцев до даты их проведения. Повестка дня очередного заседания Комиссии предварительно согласовывается Сторонами не позднее, чем за один месяц до ее проведения. На заседании Комиссии по взаимному согласованию сопредседателей могут быть рассмотрены вопросы, не включенные в повестку дня.

Внеочередные заседания Комиссии, встречи сопредседателей, заседания рабочих групп проводятся по взаимной договоренности Сторон.

На заседании председательствует сопредседатель Комиссии, на территории государства которого проводится заседание или встреча.

Для подготовки и участия в заседаниях Комиссии каждая Сторона может привлекать экспертов и специалистов, а также представителей деловых кругов их государств.

## **Статья 4**

Решения Комиссии принимаются на основе консенсуса и вступают в силу с даты подписания протокола заседания Комиссии.

## **Статья 5**

Информационное обеспечение заседаний, подготовка материалов и до-

кументов, оформление протоколов заседаний Комиссии, координация деятельности рабочих групп, контроль за реализацией принятых решений, а также другие обязанности организационного характера по обеспечению работы Комиссии возлагаются на ответственных секретарей национальных частей Комиссии.

В этих целях ответственные секретари поддерживают между собой постоянные связи и в случае необходимости встречаются в период между заседаниями Комиссии.

### **Статья 6**

Расходы, связанные с участием членов Комиссии и делегаций в заседаниях Комиссии, встречах сопредседателей, заседаниях рабочих групп финансируются за счет средств направляющей Стороны. На основе взаимности принимающая Сторона может оплачивать местные транспортные расходы, расходы по размещению, питанию и проживанию делегаций направляющей Стороны.

Расходы, связанные с проведением заседаний Комиссии, встреч сопредседателей, заседаний рабочих групп финансируются за счет средств Стороны, на территории государства которой проводятся эти мероприятия.

### **Статья 7**

Споры, которые могут возникнуть при применении или толковании положений настоящего Соглашения, будут решаться путем консультаций и переговоров между Сторонами.

### **Статья 8**

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

### **Статья 9**

Настоящее Соглашение заключается сроком на пять лет и вступает в силу с даты его подписания. Действие настоящего Соглашения автоматически продлевается на последующие пятилетние периоды, если ни одна из Сторон не направит другой Стороне не менее чем за шесть месяцев до истечения срока действия Соглашения письменное уведомление о своем намерении прекратить его действие.

Совершено в городе Ашхабаде 13 декабря 2009 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, туркменском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую юридическую силу. Для целей толкования настоящего Соглашения будет использоваться текст на русском языке.

*(подписи)*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТўПЛАМИ**

**Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 4 (24)-сон, 2009. — 28 б.**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2010 й.

**Тахрир кенгаши:**

*Р.А.Муҳитдинов, В.И.Норов, Е.С.Канъязов,  
К.К.Рашидов, С.С. Нуриев, Ф.Р.Коканбаев*

---

Тахририят манзили:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 100047,  
Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.  
Тел.: 233-73-28, 236-73-98.

---

**Нашрга гайёрлаганлар:**

*М.К.Абдиджалиев, А.А.Низамов, У.Солиева*

**Компьютерда саҳифаловчи:** *Ш.Ш.Қурбонбоев*  
**Мусахҳихлар:** *Д.Д.Дўстжонова, С.В.Артикова*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
хузуридаги «Адолат» нашриёти.

100000, Тошкент ш., Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Обуна масалалари бўйича тел./ф.: 233-81-53, 233-94-63.

---

Босишга рухсат этилди 20.05.2010. Бичими 70x108<sup>1/16</sup>.  
Ҳажми 1,75 б.т. Адади 370 нусха, буюртма — 126.

«Ғ. Фулом» Нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди,  
100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур кўчаси, 86-уй.